

ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ЖИХАТДАН ЎЗ МАВҚЕИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШИ**Халиков Аъзам Абдусаломович**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454675>

Аннотация. Ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини тушуниш касбий ва шахсий жиҳатдан ўз мавқеини ўзи белгилашнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Психолог олимларнинг таъкидлашича, атроф оламни тушунишдан, бутунлигича инсон ҳаёти мазмунидан, ўз борлигидан, атрофдаги оламга муносабатини тушунишдан ташқарида ўз-ўзини самарали ва мос тарзда тушуниши мумкин эмас. Касбий-шахсий жиҳатдан ўқитувчининг ўз мавқеини ўзи белгилаши қуйидаги вазиятларни ўз ичига қамраб оладиган жараён сифатида майдонга чиқади.

Калит сўзлар: ўз-ўзини билиш, тушуниш, шахс, мавқе, психолог.

САМООПРЕДЕЛЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОЗИЦИИ УЧИТЕЛЯ

Аннотация. Самопознание и самопонимание являются ключевыми составляющими профессионального и личностного самоопределения. Психологи утверждают, что невозможно эффективно и адекватно понять себя без понимания окружающего мира, смысла жизни человека в целом, понимания своего существования, своего отношения к окружающему миру. С профессионально-личностной точки зрения самоопределение позиции педагога предстает как процесс, включающий следующие ситуации.

Ключевые слова: самопознание, понимание, личность, позиция, психолог.

SELF-DETERMINATION OF THE PROFESSIONAL POSITION OF A TEACHER

Abstract. Self-knowledge and self-understanding are key components of professional and personal self-determination. Psychologists say that it is impossible to effectively and adequately understand oneself without understanding the world around, the meaning of human life as a whole, understanding one's existence, one's attitude to the world around. From a professional and personal point of view, self-determination of a teacher's position appears as a process that includes the following situations.

Keywords: self-knowledge, understanding, personality, attitude, psychologist.

Ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини тушуниш касбий ва шахсий жиҳатдан ўз мавқеини ўзи белгилашнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Аксарият психологик тадқиқотларда “ўз-ўзини билиш” ва “ўз-ўзини тушуниш” тушунчалари тенглаштирилади ва ўзаро маънодош сўзлар деб қаралади. Шу билан бирга, ўз-ўзини билишни ўзи ҳақида маълумотлар йиғиш, дастлабки ахборотларни тўплаш жараёни сифатида ўз-ўзини англашнинг алоҳида шакли, шу ахборотларни тушуниб етиш ва уни талқин қилиш жараёни сифатидаги ўз-ўзини тушунишдан фарқлаш лозим. Психолог олимларнинг таъкидлашича, атроф оламни тушунишдан, бутунлигича инсон ҳаёти мазмунидан, ўз борлигидан, атрофдаги оламга муносабатини тушунишдан ташқарида ўз-ўзини самарали ва мос тарзда тушуниши мумкин эмас. Айнан ташқи оламда ниманидир тушуна туриб, инсон ўз қобилигига кириб боради ва ўз қобилиги устидан кўтарила олади.

Касбий-шахсий жиҳатдан ўқитувчининг ўз мавқеини ўзи белгилаши қуйидаги вазиятларни ўз ичига қамраб оладиган жараён сифатида майдонга чиқади:

❖ ўқитувчи томонидан ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тушуниш натижаларини билиш ва тушуниш натижалари – ўзининг имкониятлари, шаклланган кадриятлар ва мақсадлар, қарашлар ва тасаввурлар тизими билан қиёсланиши;

❖ танловни амалга ошириш ва шу асосда ўзининг ўқитувчи сифатидаги тасаввурлари: ўзининг касбий мақсадлари, кадриятлари, имкониятлари, келажаги, касбий-шахсий жиҳатдан ўсиши ва такомиллашиши мажмуаси бўлиши “Мен” - концепциясини куриши.

“Ҳар қандай ўз мавқеини ўзи белгилаш, бир томондан, ўзининг тимсолини, долзарб эҳтиёжлар тизимини, мақсадларини, интилишларини, ўзига хос фазилятларини, бошқа томондан – вазият ёки ўз “Мен”и намоён бўладиган, мавқеи белгиланаётган талаб қилинган вазиятларни, ва ниҳоят учинчи томондан – биринчини иккинчига ёки иккинчини биринчига қиёслаб, улардан бирини белгиловчи сифатида қайд қилиб қўйишни ўз ичига олади”.

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахс ташқи таъсирларнинг эмас, ўз ҳаракатларининг натижаси сифатидаги фаол, изчил ижобий сифат жиҳатидан ўзгариш жараёнидир. Ўз-ўзини ривожлантириш шахснинг ўзида бор бўлган, инсонга табиат томонидан берилган психик ва шахсий хусусиятларини, масалан, иқтидор, хотира, тафаккур, диққат, туйғулар соҳаси, умумий ва касбий қобилиятлар ва янгиликка интилиш куртакларини ўзгартиришга йўналтирилган фаолияти деб ҳам қаралиши мумкин.

Ўз-ўзини мукаммаллаштириш (қайсидир маънода ўз-ўзини тарбиялаш даражаси билан бир хилдир) – бу инсоннинг ўзида янги фазилятларни, хусусиятларни, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мавжуд бўлганларини эса кучайтиришига, шунингдек, камчиликларни тўғрилашга йўналтирилган фаолиятдир. “Ўз-ўзини мукаммаллаштириш” тушунчаси инсонпарварлик маъносини ҳам акс эттиради, чунки инсоннинг ўзига таъсир қилишни назарда тутадиган ўз-ўзини тарбиялашдан фарқли ўлароқ, ўзидаги энг яхши фазилятларга суянишни, ижобий ҳислатларини кенгайтиришни ва ўзининг касбий чўққиси томон ҳаракатланишини ва ниҳоят *акме* (грекча *акме* – гуллаб-яшнаш, чўққи) га эришишни ифодалайди.

Кейинги ўн йилликларда самарали ривожланаётган акмеология фани (О.С.Анисимов, А.А.Бодалев, А.А.Деркач, Н.В.Кузьмина, А.А.Реан ва бошқалар) ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз-ўзини мукаммаллаштиришини ўз ҳаёти ва касбий фаолиятидаги маҳорат чўққисига, шахсий ва касбий етукликка эришиш ва ўз ижодий потенциалини сарфлай олиш қобилиятига эга бўлган тўлақонли субъект бўлиб етишишдаги асосий шартлардан бири сифатида қарайди.

Ўқитувчининг шахс сифатидаги ва касбий жиҳатдан ўсишига олиб келадиган жараённинг таркибий қисмларидан яна бири *мустақил тарзда ўз билимини ошириб боришидир*. Анъаналарга кўра мустақил тарзда билимни ошириш мустақил шуғулланиш йўли билан касбий йўналиш тақозо қиладиган билимларга эга бўлиш, яъни мустақил таълим олишдир. Бунинг бошқача талқини уни ўзини маърифатли қилиш, маданиятга мустақил жалб қилиш орқали амалга ошириладиган ўз-ўзини яратиш, ўз-ўзини куриш жараёни сифатида тушунилади. Демак, мустақил тарзда билимни оширишни оддий тарзда ахборот йиғиш билан тенглаштириб бўлмайди. “Билимли бўлиш – бошқаларни, ўзини, ҳаёт мазмунини, умрини, маданий ва маънавий олами олдидаги ўз масъулиятини

тушуниш демакдир. Шундай экан, ривожланаётган инсон учун маданият ҳам бевосита мавжудлик шакли (ҳаёт, энергия, мулоқот), ҳам ўз мавқеини ўзи белгилаш учун, онгли тарзда ўзини яратиш учун асосдир”.

XX аср бошларида яшаб ижод қилган рус файласуф олими В.В.Розанов онгни, хотирани оғирлаштирадиган кўпгина кераксиз маълумотлар олишга мўлжалланган мустақил билим олишга қарши чиққан, унинг мақсадини у инсоннинг маънан ривожланишида, эркин ва онгли ҳолатга кўтаришда кўрган. “Онглилик – бу оламнинг турли хил товланишига эркин назар ташлашдан, биттасидан иккинчисига ўтаётиб нимани қолдириш ва нимани қидираётганлиги ҳақида ўзига ҳисобот беришдан иборат бўлмоғи лозим ва унинг биринчи босқичи ўз шахсий оламига чўмиш, бу оламни жонли тарзда ҳис қилиш ва ёркин тушунишдир”.

Ўз мавқеини ўзи белгилаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини мукамал касбий чўққига етказиш ва мустақил билим олиш, асосий мақсади ўқитувчининг шахс сифатида ва касбий ўсишини таъминлаш бўлган жараёнлардир. Шахс сифатида ва касбий ўсиш нима дегани? Мазкур тушунчалар моҳиятини оддийгина тушуниш шахс сифатидаги ўсишни инсоннинг ижтимоий мавқеининг ўзгариши сифатида, касбий ўсишни эса инсоннинг амал бўйлаб ўсиши сифатида қарашга интилиш оқибатида юз берган. Психологлар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши замирида ётган ва касбий жиҳатдан шаклланишининг асосий йўналишини белгилайдиган иккита жараёни ажратишади. Булар *персонализация* ва *персонификациялардир*.

Персонализация жараёни – тадқиқотчи олим А.Б.Орлов таъкидлаганидек, инсоннинг ўзини оламга, бошқа одамларга кучли таъсир этиши ёки “ҳукмронлик”ка эга бўлиш иштиёқига интилаётган “шахс” га айланишидир. Мазкур жараён унинг “обрули”, “референт” ёки “жалб қилувчи” бўлишга интилиши билан боғлиқ ва кўпинча инсоннинг ўзига хос бўлишга эмас, балки олдиндан берилган ижтимоий ролга мос бўлишга интилишига олиб келади. Шундай қилиб, персонализациянинг асосида инсоннинг ўзи учун аҳамиятли бўлган ролга ўз-ўзини тенглаштириш гавдаланади. Персонификация жараёни эса аксинча, ўзлигини йўқотмасликка интилишда намоён бўлади, инсоннинг ўзига нисбатан эҳтиёж сезадиган лаҳзаларни кўпайтиришига олиб боради. Муваффақиятли ўтаётган персонификация жараёни инсоннинг ижобийлик даражасини оширади ва шахс персонализациясига қараганда анча яхлитроқ, киришимлироқ жараён сифатида намоён бўлади. У инсонга ўзини муайян касбий ролга тўла тенглаштиришдан сақлайди, унинг оламга бўлган муносабатини индивиднинг асл моҳияти, ички “Мен”и нуқтаи назаридан намоён бўладиган ички мотивлари ва маиший қадриятлари белгилайди. Персонализация ўқитувчининг ўз касбий фаолиятида дуч келадиган ҳар қандай зиддиятли вазиятларда ҳам тушкунликка тушмасдан, яхши кайфият билан ўз педагогик фаолиятини бошқаришни таъминлайди.

Маълумки, персонализация жараёнининг **персонификация** жараёнидан устунлиги энг аввало инсоннинг ҳаётдаги бош мақсади сифатидаги олий мавқега, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга интилишида намоён бўлади. Модомики, ўқитувчи муайян мавқега эришиш энг аввало касбий рол билан боғлиқ бўлгани учун, айнан шу рол инсоннинг атрофдагиларга ва ўз-ўзига, ўз ҳаётидаги асосий йўналишларга, касбий фаолиятига бўлган муносабатини белгилайди.

Шак-шубҳасиз, ўқитувчининг касбий ўсиш кўрсаткичларидан бири сифатидаги мавқеининг ортиши ва обрў-эътиборга эга бўлишининг аҳамиятини ва ролини инкор қилиб бўлмайди. Психолог олим Е.А.Климовнинг фикрига кўра, “бу ўзаро боғланган, аммо турли даражадаги: гностик (онгни ва ўз-ўзини англашни қайта қуриш шаклида) ва амалий (ижтимоий мавқеининг, инсоннинг инсонлараро муносабатлар тизимидаги реал ўзгаришлар шаклидаги) жараёндир”. Бунда иккинчи даража биринчи даражанинг мантикий давоми сифатида майдонга чиқиши лозим.

Ўқитувчининг касбий-шахсий жиҳатдан ўз мавқеини ўзи белгилашдаги ҳар қандай ҳаракатга мос келадиган ушбу мантиқ мазкур жараён билан мустақил шуғулланадиган ўқитувчи фаолиятининг ички мазмунини белгилаб беради.

Бу мантиқ куйидаги босқичлардан иборат:

1) ўз шахсий ҳаётидаги мақсадни ва бурчни, ўзининг инсоний ва касбий қизиқишини ҳаёт мазмуни ҳақидаги етакчи фалсафий концепцияларни тушуниб олиш асосида англаши;

2) ўз “Мен”ини (ҳиссий, интеллектуал, ижтимоий ва маънавий) педагогик фаолият доирасида билиш ва англаши;

3) ўқитувчи шахси моделини (профессиограммасини) яратиш асосида унинг касбий фаолиятига ва шахсига қўйиладиган талабларни белгилаш;

4) мазкур модел асосида ўзининг касбий имкониятларини билан эҳтиёжларини боғлаши;

5) касбий ва шахсий жиҳатдан ўз-ўзини мукаммаллаштириш дастурини ишлаб чиқиши;

6) касбий ва шахсий жиҳатдан ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириб бориш ҳамда мукаммаллаштириш усулларини эгаллаши;

7) ўрганилаётган фанларнинг касбий ва шахсий жиҳатдан ўқитувчининг ўсиши ва шаклланишидаги аҳамиятини аниқлаш.

REFERENCES

1. Знаков В. В. Понимание как проблема психологии человеческого бытия // Психологический журнал. — 2000. — № 2. - С. 7 - 16.
2. Анисимов О. С., Глазачев С. Н. Педагогические технологии в экологическом образовании: проблемы и подходы // Экологическое образование: концепции и технологии: Сб. науч. труд. - Волгоград, 1996. - С. 92 - 108.
3. Розин В.М. Обучение, образование, культура // Вестник высшей школы. — 1987. — № 2. -С. 4.
4. Розанов В. В. Сумерки просвещения. — М., 1990. — С. 42.
5. Орлов А. Б. Психология личности и сущности человека: Парадигмы, проекции, практики: Учеб. пособие. - М., 2002. - С. 58 - 60.
6. Климов Е.А. Психолого-педагогические проблемы профессионального консультирования. - М., 1983. - С. 62 - 63.